Ҳамдам Содиқов



# АМИР ТЕМУР ҲАЁТИДАГИ ҒАРОЙИБОТЛАР

ҲАМДАМ СОДИҚОВ

# АМИР ТЕМУР ҲАЁТИДАГИ ҒАРОЙИБОТЛАР

*Тарихий бадиалар*

**Қайта нашр**



**Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи**
**Тошкент – 2016**

УЎК: 94(092)Темур
КБК 63.3(5Ў)4
С 75

**Тақризчи**

*Маҳкам Маҳмудов — шарқшунос, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси*

**Масъул муҳаррир**

*Фахриддин Ашрафхўжаев — «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедиция аъзоси*

Буюк тарихий шахс Амир Темур ҳақида жуда кўп тарихий ва бадиий асарлар ёзилган.

Ушбу тарихий бадиалардан иборат китоб Соҳибқирон ҳаётидаги ғаройиб воқеалар, унинг тақдири ва ҳаётига оид илоҳий ҳодисалар донишманд ва кароматли устоз-пирлар ҳақидадир. Мислсиз ҳарбий саркарда, истеъдодли давлат арбоби, узоқни кўра олган зийрак сиёсатчи ва адолатли донишманд ҳукмрон қиёфаси кенг китобхонлар оммасини албатта қизиқтиради.

Мазкур асарнинг биринчи нашри китобхонларда катта таассурот қолдирганди. Сизга тақдим этилаётган иккинчи нашри муаллиф томонидан қайта кўриб чиқилиб, янада қўшимчалар билан тўлдирилди.

ISBN 978-9943-05-781-4
© Содиқов Ҳ., 2015
© «ART FLEX» нашриёти, 2015
© Чўлпон номидаги НМИУ, 2016

## ЮЛДУЗ ШУЪЛАЛАРИ

Тарихдаги улуғ зотларни маҳобатли тоғ чўққиларига ўхшатиш мумкин. Чўққининг салобати кўз олдимизда доимо намоён бўлиб тургани билан унинг бағрида ва атрофида қанчадан-қанча сиру синоатлар бор. Унинг ҳудудида қўрқинчли ғорлар ва чечакзор адирлар, турфа жонзотлар, сайроқи қушлар мавжуддир. Тарихдаги улуғ зотлар Баҳри Уммонда кезиб юрган баҳайбат кемаларга ҳам ўхшайди. Бир қараганингизда бу кема кўзингизга яхлит ташланганини билан унинг ичида ва каюталарида қанчадан-қанча тилсимли ҳодисалар юз беради. Ва бу кеманинг изидан мавжланган из қолади. Бу из ҳатто фазодан боққанда ҳам яққол кўзга ташланиши мумкин.

Биз буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларини дунёда неки энг кучли, энг жозибали, энг маҳобатли бўлса ўшаларга қиёслашимиз мумкин. Бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолияти, жўнроқ айтганда, таржимаи ҳоли бизга маълум бўлса-да, бироқ биз эслатган чўққи ёхуд улкан кема янглиғ, бу муҳташам сиймонинг номи билан боғлиқ биз билмаган, эшитмаган ривоятлар, ҳикоятлар ер юзи бўйлаб кезиб юрибди. Одамзоднинг ҳар бир авлоди ёхуд ҳар бир халқ Соҳибқирон ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишга интилади ҳамда қўл етмас бу юлдуз ҳақида афсоналар ҳам тўқий бошлайдилар. Чунончи, Амир Темурнинг Хизр бува билан учрашгани ва ундан тегишли тавсиялар олгани, доимо пайғамбаримиз иноятларида бўлгани хусусида кўп ривоятлар бор. Амир Темур Ҳиндистон қишлоқлари-

дан бирида тўхтаганда ўша қишлоқ оқсоқоли унга мўъжиза кўрсатади: очиқ ҳавода ёмғир ёғдиради. Темур бунинг сирини сўраганда у узоқ аждодлари олис бир сайёрадан келгани ва Ҳиндистонда ерлашиб кетганини гапиради. Оқсоқол Темур саволига савол билан жавоб қилади:

— Сиз қай тариқа ва қандай қилиб Ҳофизи Қуръон бўлдингиз? Минг йил аввал араб қавмини ҳеч ким билмаган. Пайғамбаримиз дунёга келди-ю, уларни дунё таниди. Икки аср илгари мўғул кимлигини башарият билмади. Чингизхон келди-ю дунё титради. Юз йил аввал Кеш ва Самарқанд кўҳна шаҳарлар бўлса ҳам, уларнинг довруғи оламшумул бўлмаган. Сиз салтанатга келдингиз-у уларнинг номи оламга кетди. Араблар ҳам, мўғуллар ҳам тарих саҳнасидан тушиб кетди. Бирор асрдан сўнг уларни ҳеч ким танимайдиган бўлади. Аммо Сиз, Соҳибқирон юлдузи сира сўнмайди, салтанатингиз шарафи асрдан асрга кўчаверади. Чунки Сиз биз каби самовият олами билан боғлангансиз.

Форсда, Гуржистонда, Русда, Европада ва бошқа ўлкаларда Темур билан боғлиқ кўп ривоятлар, афсонавий мўъжизалар ҳақида гап боради. Бу воқеалар бўлиб ўтганми ё йўқми номаълум. Бироқ буларнинг моҳияти Соҳибқирон ҳақида мантиқан тўғри таассурот уйғотиши мумкин. Айни чоғда ушбу ҳикоятларда уни тўқиб чиқарганларнинг аҳвол-руҳияси намоён бўлиб туради.

Тарихимизнинг зукко билимдони ва синчков изқувари Ҳамдам Содиқов узоқ йиллардан буён миллатимизнинг улуғ намояндалари ҳақида ҳам илмий, ҳам бадиий рисолалар ёзиб келмоқда. «Амир Темур ҳаётидаги ғаройиботлар» китоби унинг кўп йиллик изланишлари самараси бўлиб, унда Соҳибқирон тақдиридаги сирли воқеалар ва турли ривоятлар қаламга олинган.

Ҳазрат Соҳибқироннинг серқирра фаолияти ҳали кўп тадқиқотларга асос бўлади. Бу улуғ зотнинг шахсияти, хатти-ҳаракатлари, феълу атвори, албатта, ҳар кимни қизиқтиради. Балки халқ орасидаги ғаройиб ҳикоятлар ҳам ўша қизиқиш ила туғилгандир. Ахир жўн одам ҳақида латифа ҳам тўқишмайди-ку!

Буюк Темурга, Мовароуннаҳр осмони порлоқ юлдузига эҳтиромимиз миллатимизга, улуғ тарихимизга эҳтиромимиздир. Диққатингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда ўша порлоқ юлдузнинг ўчмас шуълалари чақнаб турибди.

*Абдулла Орипов,*
*Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири*
*2006 йил 24 май*

## МУҚАДДИМА

Лашкар сафини ёриб ўтган Шоҳ Мансур Музаффарий сара суворилари билан тўғри Амир Темур қароргоҳи томон от қўйди

Барлос беклари дарҳол Соҳибқирон ҳимоясига ташландилар. Лекин Шоҳ Мансур йўлида дуч келганини йиқитиб, Темур билан тўқнаш келди.

Пайғамбар ёшидаги Соҳибқирон қиличи навқирон ёшдаги рақиби шамширига урилди.

Кўзлари қонга тўлган, бутун жуссасидан куч ва қувват ёғилиб турган Шоҳ Мансур хамласи даҳшатли эди. Оғир Исфаҳон қиличи Темурнинг дубулғасига урилди. Бир зум гангиб қолган Соҳибқирон жавоб зарбига улгуролмай қилич яна бошига тушди

— Мансур! Тенгинг билан олиш! — Кимнингдир янгроқ хитобидан Мансур беихтиёр сесканиб алангалади

— Болагинам!

Бу Темурбек хитоби эди. Шоҳ Мансур томон елдек учиб келган Шоҳрух Мирзо Соҳибқироннинг 17 ёшли фарзанди эди. Художўй, беш вақт намозни сира канда қилмайдиган, қилич ўрнига кўпроқ қўлида Қуръон ушлаб мутолаа қилишни афзал кўрувчи тақводор Шоҳрух бутун умрини жангу жадалда ўтказган тажрибали ва жангари форс ҳукмдори Шоҳ Мансурга рўпара келди-я!

Олишув чиндан ҳам қаттиқ ва беаев борарди.

Ёшлик ёшлик билан жанг қиляпти. Мансур арслон бўлса, Шоҳрух мисоли шер эди

Соҳибқирон илтижо билан нималарнидир ўзича шивирларди. У ўғли учун ғойибдан мадад тиларди.

Шу кунгача доимо уни қўллаб келган Парвардигор наҳот ундан юз ўгирса?

Мовароуннаҳр қўшини тезда ўзини ўнглаб, форс суворийларини қуршов ҳалқасига олди. Ёш шаҳзоданинг фидокорлиги уларни ғоят руҳлантириб юборган эди. Шоҳ Мансур эса бутун ғазабини шаҳзодага қаратиб, зўр бериб ҳамла қиларди.

Соҳибқироннинг қилич дастасини ушлаган қўли қаттиқ қисилди. У ўғли жуда тажрибали ва маккор қиличбозга дуч келганидан ғоят хавотирда эди. Йўқ, Шоҳрух ҳам анойи эмас, зўр устозлар сабоғини олган йигит. Аммо у жангга ишқибоз эмас. Шунинг учун Темур уни бошқа ўғил ва набиралари орасида унча хушламас эди.

Қарангки, мана шу художўй ўғли унинг жонига ора кириб, ҳаётини сақлаб қолди. Бунинг учун ҳозир жонини фидо этмоқда. Кекса саркарда қалбида фарзандидан ифтихор ва ўзидан ўкинч туйғулари туғён урди. Жигарбанди, пушти камари, кенжатойи унинг ҳаётигина эмас, балки бутун салтанат тақдири учун ҳам жонини гаровга қўйди. Шоҳ Мансурнинг кучли зарбидан Шоҳрух эгарда чайқалиб кетди. Ваҳшиёна қийқириб Мансур қиличини баланд кўтарди.

— Болагинам! — Соҳибқироннинг — отанинг қалбидан юлқинган фарёди бутун жангтоҳда кучли акс-садо берди.

Шу вақт кутилмаган воқеа юз берди. Чеҳрасига қараганда араб, найза билан қуролланган бир отлиқ югуриб келиб:

— Аллоҳумма ансур Темурхон! — дея баралла қичқирди. Шоҳ Мансур бу қичқириқдан қўрқиб, ҳушидан кетди ва отидан йиқилиб тушди. Шоҳрух уни кўтариб отига ўтқазиб олиб кетди. «Ё Аллоҳ, Темурга зафар ато эт!» дея қичқирган отлиқ эса қаергадир ғойиб бўлди.

Бу Амир Темур ҳаётидаги биринчи ғаройибот эмас эди.

## ҒАРОЙИБ ТУШ

Такина бегим ой-куни яқинлашган ўша эрта баҳорнинг намхуш кунида Амир Тарағай Баҳодир дўстлари даврасида ишкомда суҳбат қурди.

Амир ниҳоятда ҳаяжонга тушган эди. Баҳодирлар уни ҳеч қачон бундай аҳволда кўришмаган. Узоқ йиллар давомида неча-неча даҳшатли жангларда ҳам, оғир дақиқаларда ҳам у бундай аҳволга тушмаган. Қуролдош дўстлари ҳайрон. Амирга не бўлди? Наҳот у фарзанд кўраётган хотинига шунча ачиниб бундай куйиб-пишса?

Тарағай дўстлари саволини тушунгандай ниҳоят сўз қотди:

— Биродарлар! Ажабланманг. Бугун-эрта сизларни ҳайратга солган жумбоққа жавоб бераман.

Супада ўтирган баҳодирлар унга далда бера бошлашди:

— Қизми, ўғилми — бари фарзанд. Амирзода бўлишади.

— Эсон-омон қутулади.

Тарағай дам қизариб, дам бўзариб, ўзича нималарнидир пичирлайди. Дуо ўқимоқда.

— Амир, амир! Суюнчи, суюнчи!

Доя хотинлардан бири ҳаллослаганча амирга яқинлашди.

— Нима, нима? — довдираб сўз қотди амир. Кўзларида қувонч, ҳайрат ва қўрқув.

— Қизми ё ўғил! — бақириб юборишди сабрлари чидамаган баҳодирлар.

— Ўғил, ўғил! — шодон хитоб қилди доя.

— Ўғил!!! — хурсанд қийқириб ўринларидан туриб кетишди баҳодирлар.

— Наҳотки? — амирнинг кўзларида фавқулодда шодлик ўти чақнади.

Бир ҳовуч тилла тангалар доя хотиннинг бошига сочилди.

— Азизларим! Энди бaралла айтаман дилимдаги сиримни. Кароматгўй шайхимиз Шамсуддин Кулолнинг башорати ўнгидан келди.

— Қандай каромат? — қизиқсиниб сўрашди баҳодирлар.

— Аввал томоқларингизни ҳўллаб олинглар, — деди эшилиб кетган амир.

Хизматкор келтирган патнисдаги ўрдак шаклидаги қимиз идишни қўлга олган амир заранг косаларни тўлдирди. Ўртага ташланган бир халта қурт баҳодирлар учун эрмак бўлди.

— Катта базм олдидан буниси хамир учидан патир, бирoдарларим.

Баҳодирлар қизишиб олганларидан сўнг амир косасига қўл ҳам теккизмай сўзида давом этди:

— Бир йилча муқаддам ғалати туш кўриб уйғониб кетдим. Қизиқ туш. Ялангликда турган эмишман. Арабга ўхшаш хушсурат йигит қўлида қилич билан олдимда пайдо бўлди. Менга яқинлашиб пўлат қилични узатди. «Қуёшга қараб силкит!» дея қичқирди. Индамай айтганини бажардим. Қилич ёғдусида бутун олам ёришиб кетса бўладими? Борлиқни мағрибдан машриққача кўрдим. Ажойиб ўлкаларни. Узоқ вақт хаёл суриб юрдим. Кейин шайх дўстимизнинг олдига бориб тушим таъбирини сўрадим. Кароматли дўстимиз мен яқинда ўғил кўришим ва у бутун дунёнинг фотиҳи бўлишини айтди. Бугун мен агар ўғил кўрсам, чиндан ҳам шайх башорати амалга ошади, қиз бўлса у ёлғон, деб дилимдан ўтказган эдим. Иншоолло, шайх Шамсуддин каро-

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi
https://kitobxon.com/oz/asar/3433 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
https://kitobxon.com/uz/asar/3433 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
https://kitobxon.com/ru/asar/3433